

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Қўл ёзма ҳуқуқида УДК:
333.338.1.633.71**

Ахроров Фарход Бахриддинович

**Тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш ва сотиш
самарадорлигини ошириш имкониятлари**

**Ихтисослик 08.00.04 – Микроиқтисодиёт
(Агросаноат мажмуи)
Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

САМАРҚАНД - 2006

Иш Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди,
доцент Муртазаев Олим

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Хушматов Н.С.

иқтисод фанлари доктори,
профессор Ибрагимов Р.Ғ.

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат Аграр Институти

Ҳимоя Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги
К.067.01.12 рақамли кенгашнинг 2006 йил «___» _____ соат _____да
ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700003. Самарқанд шаҳри. А.Темур кўчаси, 9.

Диссертация билан Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «___» _____да тарқатилди.

Ихтисослашган Кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Б.А.Абдукаримов

Илмий ишнинг умумий таснифи

Мавзунинг долзарблиги. Республика агросаноат мажмуасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири, бу мажмуада иқтисодий самарадорликни оширишдир. Агросаноат мажмуаси тармоқлари таркибида салмоқли ўринни эгаллайдиган тамаки ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари каби тамакичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида ҳам катта ҳажмда меҳнат ва ер-сув ресурсларидан фойдаланилади. Ҳозир тамакичилик саноатида иш билан 1146 киши, ундан ташқари, қишлоқ хўжалигида тамаки етиштириш билан 213,4 минг киши, шу жумладан, мавсумий ишларда 183 минг киши банддир. Шу билан бирга, тамаки маҳсулотлари чакана савдоси яна қўшимча 22 минг кишини иш билан таъминлайди.¹ Бундан ташқари, тамакичилик мажмуаси мамлакат бюджети даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланиб, тармоқдан республика бюджетига турли хил солиқ, акциз ва тўловлар кўринишида йирик миқдорда даромад тушади.

Лекин, кейинги вақтларда, тамакичилик мажмуасида яратиладиган пировард натижада иштирокчилар ҳиссасининг юқорилиги билан, улар даромадининг салмоғи бир хил эмаслиги ўртасида тафовут мавжуд. Бу тамакичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигидаги кескин фарқда намоён бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш йилларида тамаки ишлаб чиқариш ва тамаки хом ашёсини сотишдан кўпчилик тамакичилик хўжаликлари зарар кўрган бўлсалар, тамакини қайта ишлаб тайёр маҳсулот қилиб сотган корхоналар эса фойда олдилар. Бу ҳолатларга албатта, объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади. Диссертацияда субъектив омиллардан фойдаланишга кўпроқ ўрин берилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет мамлакатларда самарадорлик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уни оширишнинг назарий асослари кўплаб иқтисодчи олимлар, жумладан, П.Самуэлсон, К.Макконнел, С.Брю, Д.Колман, Т.Янг ва бошқалар асарларида батафсил таҳлил қилинган. Ўзбекистонда агросаноат тармоқлари самарадорлигини оширишнинг услубий масалаларига ва услубиётига, шунингдек тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва унга ҳақ тўлаш, таннархни пасайтириш ва рентабелликни ошириш, умуман мажмуанинг пировард маҳсулотини кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига кўплаб аграр-иқтисодчи олимлардан Абдуллаев Р., Абдуғаниев А., Қаюмов Ф.Қ., Ким В.В., Лукинов И.И., Муртазаев О., Исмоилов А.Қ., Мухаммедов М.М., Усмонов С.Н., Ҳусанов М.Х., Ҳусанов Р.Х., Чориев Қ.А. ва бошқалар муносиб ҳисса қўшганлар.

Тамакичиликнинг асосий маҳсулотлари самарадорлиги даражасини кўтариш омилларидан оқилона фойдаланиш муаммолари бозор муносабат-

¹ Табачная индустрия Узбекистана-Экономический анализ / Ташкент. 2002 г.

лари тамоийиллари асосида етарли даражада ўрганилмаган. Мустақилликгача Россиялик А.Исаев, Ўзбекистонда айнан тамакичилик иқтисодиёти масалалари билан шуғулланган Х.И.Кўчимов, М.Черешнев, Қ.Абдурахмонов, Б.Жалилов, И.Собиров, шунингдек, тамаки етиштириш технологияси билан бевосита шуғулланган Э.У.Умрзоқов ва С.Хушвақтовларнинг илмий ишларида муаммонинг назарий ва услубий асослари ёритилган. Аммо, юқорида кўрсатилган илмий ишларнинг назарий ва услубий асослари бозор иқтисодиёти қонунлари ва механизмлари талабларига етарлича жавоб бермайди. Мустақиллик йилларида, айниқса тармоқда йирик трансмиллий корпорация бўлган Бритиш Американ Тобакко компанияси фаолият кўрсатаётган сўнгги ўн йилда (1995 дан бошлаб) тамакичиликда иқтисодий самарадорлик масалалари бўйича мана шу трансмиллий компания фаолияти билан боғланган ҳолда илмий-тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мамлакатимиз аграр сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган тамакичилик тармоғини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган илмий-тадқиқотлар билан боғлиқ бўлиб, у Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедрасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг таркибий қисмидир.

Тадқиқотнинг мақсади тармоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошира бориб, интенсив технологияларни қўллаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, тамаки хом ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш, моддий манфаатдорликни ошириш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида тармоқ иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва имкониятларини очиб беришдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Бозор иқтисодиёти шароитида тамакичилик мажмуи тармоқлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш заруриятини асослаш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллариини ўрганиш ва такомиллаштириш;
- Тамаки ишлаб чиқаришнинг ички ҳудудлар бўйича жойлашиш шароитларини ўрганиш ва қиёсий маълумотлар асосида таҳлил қилиш;
- Етиштирилган тамаки баргини сотиш ва тайёрлаш тизимини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Тамаки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ернинг сифати ва унинг ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш;
- Тамакичиликда меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш ва ялпи даромадни тақсимлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги бозор иқтисодиёти шароитида тамакичилик корхоналарида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, моддий манфаатдорликни ошириш ва интенсив технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли тамаки хом-ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг

молиявий натижалари ва улардан фойдаланишни такомиллаштиришнинг назарий асослари чуқур таҳлил қилиш билан белгиланди ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги натижаларда намоён бўлди:

- Тамакичилик хўжаликлари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва кўрсаткичлар ўрганилиб ягона тизимга келтирилди;
- Тамаки ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар ва биологик навлар бўйича жойлашиш шароитлари ўрганилди ҳамда қиёсий маълумотлар асосида самарадорликни оширишга доир таклифлар берилди;
- Тамаки ишлаб чиқаришда ердан унинг бонитет бали сифат кўрсаткичи бўйича фойдаланиш ҳолати ва унга асосан ҳосилдорликни ошириш имкониятлари очиб берилди;
- Тамаки саноат навларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сув ресурслари билан таъминланишига қараб хўжаликларни иқтисодий қувватларидан фойдаланиш даражаси атрофлича ўрганилиб ички имкониятлар кўрсатиб берилди;
- Хўжаликлар томонидан етиштирилган тамаки баргини сотиш тизими ўрганилди ва уни ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;
- Хўжаликлар фойдасига бевосита таъсир этувчи омилларнинг корреляция-регрессия таҳлили амалга оширилди ва уларнинг ижобийлари танланиб, самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди;
- Тамакичиликда меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш ва ялпи даромадни хўжаликлар билан тамаки етиштирувчи оилалар ўртасида тақсимлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан амалиётда; қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир амалий дастурлар ишлаб чиқишда; тамакичилик мажмуаси корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишда; тамакичилик хўжаликлари, тамаки хом ашёси етиштирувчилар ва тайёрловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий улушларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация ишида ишлаб чиқилган айрим таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳайъати томонидан томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Маълумотнома №03/03-40, 24 январ 2005 йил) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (№05-09/5-1, 31 январь 2006 йил).

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари К.А.Тимирязев номидаги Москва Қишлоқ Хўжалиги академиясида бўлган халқаро илмий конференцияда (2001 йил декабр ойи), «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорликни ошириш омиллари» мавзусидаги СамҚХИ профессор-ўқитувчиларнинг илмий-ҳисобот конференцияларида (Самарқанд, 1999-2005 йиллар), Россиянинг Омск Агар Университетида бўлиб ўтган халқаро конференцияларда (2002, 2004 йил), Вашингтонда бўлиб

ўтган АҚШ Қишлоқ Хўжалиги Департаменти Ўқитувчилар Алмашув Дастурининг якуний семинар конференциясида (2003 йил декабрь оyi) диссертацияни бажариш жараёнида олинган натижалар ва хулосалари маъруза қилиниб, муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 2,1 босма тобоқ ҳажмидаги 7 та мақола республика ва хориж нашриётларида (журнал ва тўпламларда) чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган.

Кириш қисмида бажарилган ишнинг долзарблиги асослаб берилган, муаммонинг ўрганилиш даражаси ёритилган, илмий ишнинг асосий мақсади, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, объекти ва услубияти баён этилган.

Биринчи бўлим—«Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг назарий асослари»-да ишлаб чиқариш самарадорлигининг назарий асослари, унинг мезони ва кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалигида уни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари ва бозор иқтисодиёти шароитида унинг роли ва аҳамияти ўрганилди. Тамакичиликда самарадорлик кўрсаткичларининг такомиллишган тизими ишлаб чиқилди.

Иккинчи бўлим—«Бозор муносабатлари шароитида тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик даражаси ва унинг ўзгариши»-да тамаки етиштириш ҳудудларининг табиий-иқлим ва иқтисодий шароитлари ва уларнинг ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга таъсири таҳлил этилди. Тамаки биологик навлари ва унинг хусусиятлари ўрганилди. Тамаки ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги ҳолати аниқланди. Тамаки етиштирувчи хўжаликларнинг ресурслар салоҳияти билан таъминланиш шарт-шароитлари ўрганилди. Тамаки ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчилар ўртасидаги алоқалар таҳлил этилди. Тамакичиликда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ёритиб берилди. Тамакичилик хўжаликларида фойда ва унга таъсир этувчи омилларнинг корреляция-регрессия таҳлили амалга оширилди.

Учинчи бўлим—«Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий иқтисодий омиллари ва имкониятлари»-да тамаки ишлаб чиқаришда ернинг сифати ва унинг ҳосилдорликка таъсири ўрганилди. Тамаки етиштиришнинг илғор технологиялари иқтисодий таҳлили қилинди. Меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳозирги ҳолати ўрганилди ва уларни ошириш имкониятлари очиб берилди. Таннархни пасайтириш, фойда ва рентабелликни ошириш имкониятлари таҳлил этилди. Тамакичиликда даромад ва фойдани кўпайтиришда сотиш баҳоларининг асосий негизини ташкил этадиган омиллардан бири бўлган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг сотиш баҳоларини такомиллаштиришдаги роли аниқ мисолларда таҳлил этилди. Хом-ашёни сотиш баҳоларининг ташкил топиш хусусиятлари, унинг мавжуд камчиликлари ва уларни такомиллаштириш кўриб чиқилди.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижалари асосида тамакичилик мажмуаси самарадорлигини янада оширишни таъминлайдиган хулоса ва таклифлар берилди.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Диссертацияда ишлаб чиқариш самарадорлиги тўғрисидаги мамлакатимиз ва хорижий аграр иқтисодчи олимларининг фикрлари ўрганилган ва баҳоланган. Уларнинг илмий ишларида агросаноат мажмуаси, жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш масаласига кенг ўрин берилган бўлиб, ишда уларнинг айнан тамакичилик тармоғида, унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлишини аниқ маълумотлар асосида ўрганишга ҳаракат қилинган.

Маълумки, самарадорлик тушунчаси, унинг мезони, таъсир қилувчи омиллар ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими бир бутун ўрганиш объекти бўлиб, ҳар бир тармоқ учун уни ҳисоблаш ўзига хос хусусиятларга эга. Илмий ишда тамакичиликда ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уни ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди (1-расм).

Таклиф этилаётган омиллар ва кўрсаткичлар турларининг тизими, тамакичиликнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириб, тамаки ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини таҳлил қилишда хизмат қилади.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат агросаноат мажмуасининг муҳим тармоғи бўлган тамаки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳарajat концепциясидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради.

Диссертацияда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услубларига алоҳида аҳамият берилиб, уни рентабелликнинг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлари орқали ифодалаш фикри илгари сурилган. Шунингдек, тамаки етиштиришнинг типик ҳудуди бўлган хўжаликларнинг табиий-иқлим ва иқтисодий шарт-шароитларини ўрганишга ва уни баҳолашга ҳам кенг ўрин берилган. Маълумки, тамаки етиштириш ўзига хос технологияга эга. Шу боис, тупроқнинг табиий унумдорлиги, экин майдонларининг жойлашиши ва тамаки навларининг туманлаштирилиши кўп жиҳатдан хўжаликларнинг ихтисослаштириш даражасини айнан тамаки ишлаб чиқаришга йўналтиради.


Диссертацияда Ургут туманида тамаки етиштириш учун қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва моддий-техника базаси ҳамда шаклланган тамаки деҳқончилиги тизими маданияти мавжудлиги, шунингдек, аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда, масаланинг ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги аниқ маълумотлар асосида ёритилган.

Тамаки етиштириш тарихига алоҳида эътибор берилган ҳолда тамаки ҳосилдорлигидаги ўзгаришларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари изоҳланган, яъни, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, тамакичиликда серҳосил навла-

рининг туманлаштирилиши ва аста секин ихтисослаштириш даражасини чуқурлашувига, минерал ўғитларнинг меъёридан ортиқча ишлатилиши ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига олиб келган.

1-расм

Тамакичиликда самарадорлик омиллари ва кўрсаткичлари тизими*




*Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Мутлоқ ҳолатда тамаки ҳосилдорлигининг ошиб бориши, яъни сувнинг кўп ишлатилиши тамаки маҳсулотининг сифатига салбий таъсир кўрсатган. Ишда ана шу салбий оқибатларга баҳо берилган ва уни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида тамакичилик мажмуасида давом этаётган инқироз янада чуқурлашди, етиштирилаётган Дюбек навидаги тамаки хом-ашёсининг имиджи кескин тушиб кетди ва бозорда ушбу маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишига олиб келди (2-расм).

2-расм
Тамаки ишлаб чиқариш динамикасидаги ўзгаришлар
(1990-2004 йй)*



* Манба: Статистик маълумотлар асосида тузилган.

Таҳлил шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида тамаки билан банд майдонлар 2 барабардан кўпроқ қисқариб, ялпи ҳосил етиштириш эса 27800 тоннадан 10370 тоннага, яъни 17430 тоннага ёки 62,7 % га камайиб кетган.

Диссертацияда, тупроқ унумдорлигининг тамаки ишлаб чиқариш натижаларига таъсири бўйича гуруҳлаш усулидан фойдаланиб, таҳлил амалга оширилган (1-жадвал).

«Дюбек» навида шундай ҳолат намоён бўладики, биринчи икки гуруҳдаги хўжаликлар нисбатан паст унумдор ерларда фаолият кўрсатсалар ҳам, тамаки ҳосилдорлигидан ўртача туман даражасидаги ҳосилдорликдан ҳам ва мавжуд тупроқ унумдорлигидан ҳам юқори даражага эришган. Унумдорлиги 59,7 балл бўлган I гуруҳ хўжаликларида олиш мумкин бўлган ҳосилдан 0,8 ц/га ёки 6,3%, унумдорлиги 67,9 бўлган II гуруҳ хўжаликларида эса 2,1 ц/га ёки 16,5% кўпроқ ҳосилдорликка эришилган. II гуруҳ хўжаликларида ўртача туман даражасидан ҳам ҳосилдорлик 2,5 ц/га ёки 20,3 % га кўп олинган. Тупроқ унумдорлиги 81,1 балл бўлган III гуруҳ хўжаликларида, кўриниб турибдики, улар жойлашган ерлардан олиниши мумкин бўлган ҳосилдорликдан 5,4 ц/га ёки 35,8 %, ўртача тадқиқот ўтказилган хўжаликлар даражасидан эса 2,6 ц/га ёки 21,1 % га кам ҳосилдорликка эришилган. Демак, III гуруҳ хўжаликларида ҳосилдорликни ошириш

имкониёти мавжуд экан. «Измир» навида тупроқ унумдорлигидан фойдаланиш яхши йулга қўйилган.

1-жадвал

Тамаки етиштирувчи хўжаликларида тупроқ унумдорлигининг ишлаб чиқариш натижаларига таъсири^{*}
(2001-2004 й.й.)

Гуруҳлар	Тупроқ унумдорлиги бўйича хўжаликлар гуруҳи, балл	Гуруҳдаги хўжаликлар сони	Ўртача балл	Тамаки ҳосилдорлиги, ц/га	Ўртача хўжалик юритиш даражасидан келиб чиққан ҳолда тупроқ баҳосига мос ҳосилдорлик, ц/га	Тупроқ унумдорлигидан фойдаланиш коэффициенти	Бевосита меҳнат харажатлари, к/соат		Моддий пул харажатлари, сўм	
							1 гектарга	1 центнерга	1 гектарга	1 центнерга
Дюбек										
I	63 баллгача	9	59,7	11,8	11,1	1,06	12666,3	1074,5	401553,4	34065,2
II	63,3-73,7	7	67,9	14,8	12,7	1,17	24691,7	1669,9	399740,5	27033,9
III	74 дан юқори	6	81,1	9,7	15,1	0,64	14514,6	1491,1	525085,5	53943,9
	Туман бўйича ўртача		66,0	12,3	х	х	16562,1	1345,8	423252,0	34392,2
Измир										
I	60 баллгача	3	59,3	6,8	6,5	1,05	7476,2	1096,4	397233,0	58254,9
II	61-67	6	64,8	7,4	7,1	1,04	9348,6	1269,7	1259467,0	171055,9
III	68дан юқори	2	69,7	7,8	7,6	1,03	8937,6	1139,5	1066099,6	135924,8
	Туман бўйича ўртача		66,0	7,2	х	х	8554,6	1181,3	893099,4	123329,1

Жадвал муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

*


Манба: Ургут тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли ширкат хўжаликлари маълумотлари

Ҳозирги вақтда туманда етиштирилаётган тамаки барглари «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасига қарашли Ургут Ферментлаш заводидаги тамаки ишлаб чиқариш ва қабул қилиш бўлими томонидан қабул қилинади ва қайта ишлангандан кейин мазкур компанияга қарашли Самарқанд сигарет фабрикасига юборилади ёки экспортга жўнатилади. Ишда қабул қилиш пунктлари фаолияти ва уларнинг етиштирилган тамаки барглари ферментация заводида етказиб беришдаги ўрни кўрсатиб ўтилган. Чунки бу бўлимлар фаолияти тамаки етиштириш ҳажмининг ҳудудлар бўйича тақсимланишини акс эттиради ва натижада тамаки ишлаб чиқариш самарадорлигига билвосита таъсир курсатади. Шунингдек, қабул қилинган тамаки учун тўловни амалга оширишдаги «Паспорт тизими» номини олган тизимнинг афзалликлари баён этилган.

Диссертацияда тамаки хом ашёсининг бирламчи савдоси бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда тамаки сотишнинг янги шакли ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (3-расм).

3-расм

Хужаликлар томонидан етиштирилган тамаки баргини сотиш бўйича таклиф қилинаётган схема




Бу ерда:

Тамаки барги



Тамаки барги учун тулов



Тамаки хом ашёсини сотишнинг биз таклиф этаётган янги моделида ҳозирда амал қилаётган шартнома асосида тамаки етиштириш ва сотиш тизими сақланиб қолган ҳолда бунга қўшимча равишда янги, аукцион кўринишидаги сотиш шаклини жорий қилиш кўзда тутилган. Ушбу аукционда ширкат хўжаликлари таркибида фаолият юритаётган пудратчи оилалар билан бир қаторда республика ҳукумати томонидан кенг миқёсда кўллаб-қувватланаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам иштирок этишлари мумкин бўлади. Бунда, аукционлар қошидаги ҳисоб бўлимлари ширкат хўжаликлари аъзолари ва фермер хўжаликлари пудратчилари сотган тамаки барги учун тўловни икки қисмга бўлиб тўлашлари кўзда тутилади. Ушбу моделни кўллаш натижасида тамаки барги бирламчи бозорида эркин рақобат муҳити вужудга келади. Ушбу тизим йирик фермер хўжаликларига ижара пудрати асосида тамаки етиштириш имконини беради. Тамакикорлар ўзлари ҳоҳлаган вақтда етиштирган маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлади. Савдо уйларидаги эркин, қонуний савдо тамаки етиштиришни республиканинг бошқа ҳудудларида, айниқса «Измир» навини етиштириш учун қулай бўлган унумдорлиги паст, лалми ҳамда шартли суғориладиган ерларда етиштиришни кенг миқёсда тарқалишига имкон беради.

Корхоналар миқёсида самарадорлик даражасини ўрганишда 1 гектар ер майдонига тўғри келадиган маржинал даромад таҳлилида доимий харажатлар сифатида хўжаликлар томонидан сарфланаётган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари олинди. «Измир» навини етиштиришда зарарсизлик нуктасига 1 гектарга 796 минг сўм ялпи маҳсулот ёки 6,1 ц/га ҳосилдорлик даражасида эришилган. «Дюбек» навини етиштиришда зарарсизлик нуктасига гектаридан 16,4 центнердан ҳосил олинганда эришиш мумкин. Ушбу ҳосилдорлик даражаси «Дюбек» навини етиштиришда рентабеллик бўсағаси ёки зарарсизлик даражаси бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда тамаки ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари: тамаки ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифати; меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш; ишлаб чиқариш интенсивлаштириш ва сотиш каналлари кабиларнинг таҳлили берилган. Бунда тамаки етиштирувчи хўжаликларни тамаки ҳосилдорлиги бўйича, меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича гуруҳлаш ўтказилиб, ҳар бир кўрсаткичнинг пировард натижа бўлган иқтисодий самарадорликка таъсири ва боғлиқлиги ўрганиб чиқилган.

Ферментацияланган тамаки барглари хом-ашёнинг кимёвий таркиби билан аниқланадиган сифат кўрсаткичлари даражаси билан баҳоланади. Бу кўрсаткичлар асосан тамаки етиштириш технологияси ва тупроқ-иқлим шароитлари билан белгиланади. Мавжуд технологияга кўра тамаки кўчат услубида етиштирилиб, бунда ҳосил миқдори ва олинадиган тамаки хом ашёси сифати кўп жиҳатдан тамаки кўчатини экиш муддати ва қалинлигига боғлиқ. Иккала навда ҳам кўчатларни эртароқ, яъни белгиланган меъёрий вақтда ўтқазиш унинг сифатини яхшилашга ёки юқори навли тамаки барги салмоғининг кўпайишига олиб келади, тамаки ҳосилининг қўшимча ўсиш суръатини тезлаштиради. Эрта экилган «Дюбек» навида бу ўсиш суръати

73,5% ва 58,0%ни ташкил этган бўлса, «Измир» навида эса мос равишда 57,8% ва 36,4%ни ташкил этган. Сифатнинг яхшиланиши сотиш баҳоларининг ошишига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Маҳсулот бирлиги таннархининг ўсиш суръати даражасидан қатъий назар 1 гектар ҳисобига олинган фойдада ижобий натижа бўлган ва бу рентабелликни оширишга олиб келган.

«Дюбек» навида кўчатлар зичлиги, яъни уларнинг энг кам ораликда экилиши 1 гектар ҳисобига умумий кўчатлар сонининг кўпайиши ва пировард натижада ҳосилдорликнинг 15,1 ц/га (60х15 га нисбатан) ёки 40,3%га ошишига олиб келади. Юқори нав чиқишини ҳам мос равишда 7,3%га ошган. Навнинг яхшиланиши, унинг сотиш баҳоларининг ошишида яққол кўринади, яъни 1 кг тамакининг ўртача сотиш баҳоси 566,7 сўмни ташкил этган бўлиб, у 20 сўм ёки 3,7 %га кўпдир. Рентабеллик даражаси 41,6%ни ташкил қилган. Измир навини етиштиришда самарадорлик даражаси кўчат қалинлашган сари ва суғоришлар сонининг камайиб бориши билан ошиб боради. Энг юқори самарадорлик даражасига 30х7 см экиш қалинлигида ҳамда суғорилмасдан етиштирилганда эришилди ва ҳосилдорлик даражаси 13,2 ц/гани, юқори навлар чиқиши 32,7%ни ташкил қилди. 1 ц.нинг ўртача сотиш баҳоси нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этди ва 169089,6 сўмга тенг бўлди. Рентабеллик даражаси амалдаги - 13,1% дан 31,7% га чиқиш имконини берди.

Минерал ўғитлардан фойдаланишнинг оптимал даражасига эришиш ҳосилдорлик ва хом ашё сифати ўртасидаги тескари корреляцион боғланишнинг оптимал нуқтасига эришиш имконини беради. Тамакининг «Дюбек» навида минерал ўғитларни оптимал нисбатларда солиш, ўғитсиз майдонларга нисбатан 2 бараварга, яъни 12.3 ц/га дан 23-27 ц/га гача ошириш имконини беради. Сифат ўзгаришлар эса, яъни юқори навлар чиқиши, ўғитсиз майдонга нисбатан 5-9 % кўтарилади, яъни 81,7%дан 86-90%гача. «Измир» навида минерал ўғит солишнинг оптимал варианты фосфор ва калийнинг нисбатининг ошиб бориши билан характерланади. Бу ерда «Измир» навидаги тамаки асосан паст унумдор ерларда экишга мўлжалланганлиги сабабли, унинг ҳосилдорлиги ўсиши билан унинг товарлилик хусусиятлари ва натижада айрим молиявий кўрсаткичлар ўртасида тескари мутаносиблик мавжуд. Ҳосилдорлик 10,1 дан 14,5 ц/га.га ўсиб бориши баробарида олий нав чиқиши мос равишда 22,5%дан 7,1%га тушиб боради. «Измир» навини паст унумли, азот миқдори кам, ўтмишдош экинларга органик ва минерал ўғитлар солинмаган майдонларни танлаб экиш маҳсулот сифатини, унинг ўртача сотиш баҳосини ва ишлаб чиқариш самарадорлик даражасини оширади.

Тамаки етиштирувчи оилалар ва ширкат хўжаликларининг тамаки хом ашёси етиштириш жами харажатидаги салмоғини илмий асослаш мақсадида 1 кг тамаки хом ашёсини етиштириш учун сарфланадиган харажатлар таркибини таҳлил қиламиз (2-жадвал).

Жами бир гектар экин майдони учун сарфланадиган харажатларнинг асосий қисми яъни 63,2 %и оилалар зиммасига ва 36,8 % хўжаликлар зиммасига тўғри келмоқда. Бу ерда бир гектарга тўғри келадиган харажатлар

миқдори оқар сувда, 50% насосда ва 100 % насослар ёрдамида тамаки суғорадиган хўжаликлар бўйича ўртача кўрсаткич олинди ва насос харажатларига мутаносиб равишда алоҳида хўжаликларда харажатлар нисбати бир мунча ўзгариши мумкин (3-5% атрофида).

2-жадвал

Тамаки етиштирувчи оилалар ва ширкат хўжаликларининг тамаки хом ашёси етиштириш жами харажатидаги салмоғи.

Харажат турлари	Жами	Шу жумладан		Харажат таркибида (%)	
		Оилаларга тегишли	Хўжаликка тегишли	Оилалар улуши	Хўжалик улуши
Жами иш ҳақи сарфи	1079118	1068127,84	10990,36	99	1
Ш.ж. –37,2% иш ҳақиға нисбатан ажратма	292588,9	-	292588,9	-	100
Амортизация сарфи	33550,5	32040	1510,5	95,5	4,5
Моддий-техник воситалар сарфи	83992,9	5000	78992,9	6	94
Насос харажатлари	240584	-	240584	-	100
Жами солиқлар	19800	-	19800	-	100
Жами 1 га экин майдони учун харажат	1749635	1105167,84	644466,66	63,2	36,8
Бир кг тамакига тўғри келадиган сарф харажат	455,3	287,6	167,7	63,2	36,8

Жадвал муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрий хужжатлар (1 га сувли «Дюбек» нави майдони учун, сўм).

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, амал қилаётган 40 ва 60% лик тақсимот тамаки етиштирувчи оилалар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланган ва тамаки етиштирувчи оилалар норозиликларига сабаб бўлмоқда. Етиштирилаётган тамаки учун сарф бўлаётган меҳнатнинг деярли 80–85 фоизи тамаки етиштирувчи оилалар ҳисобига тўғри келмоқда. Маҳсулот сифат кўрсаткичи шаклланишида оила меҳнати ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини ва жами тамаки етиштириш харажатларидаги оилалар ҳиссаси 60 фоиздан ортиқ эканлигини ҳисобга олиб, хом ашё учун туланаётган маблағнинг оилалар ҳисобига ўтказиладиган қисмини қуйидагича ошириш мақсадга мувофиқлиги тақлиф этилган.

Бир кг тамакига тўланадиган ҳақ		шундан		Ширкат хўжаликлари улуши	
		Тамаки етиштирувчи оилалар улуши			
сўм	фоиз	сўм	фоиз	сўм	фоиз
626,7	100	313,35	50,0	313,35	50,0

Бунда тамаки етиштирувчи деҳқонларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан тўланиши лозим бўлган даромад солиғи хўжаликлар томонидан амалга оширилишини кўзда тутиш лозим. Демак, бизнинг фикримизча, тамаки учун тўланадиган ҳақнинг 50 фоизи тамаки етиштирувчиларга ҳеч қандай чегиримларсиз ўтказилиши лозим.

Ургут тумани хўжаликларини табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, ҳамда тамаки етиштириш харажатларидаги фарққа қараб шартли равишда 3 гуруҳга бўлиб таҳлил қилишни тавсия қиламиз:

- 1.Тўлиқ оқар сувдан фойдаланган ҳолда деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;
2. 50 фоиз атрофида насослар ёрдамида экинларни суғориб деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;
- 3.100 фоиз насослар ёрдамида экинларни суғориб деҳқончилик қилувчи хўжаликлар.

3-жадвал

Ургут тумани хўжаликларида зоналар бўйича тамаки ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари *, (2001-2004 йиллар)

Хўжаликлар-зона	Хўжаликлар	Ҳосилдорлик	Ялпи ҳосил центнер	Харажатлар		Жами тушуми минг	сўм тамакининг сотиш баҳоси минг	сўм фойда минг	сўм Рентабелли К%,
				жами	1 ц.га				
100% оқар сув билан суғориладиган	5	13,2	40380,6	2612587,0	64,7	1871778,3	46,4	-740808,8	-28,4
50% насос билан суғориладиган	5	12,0	28604,0	2288221,4	80,0	1622342,6	56,7	-665878,9	-29,1
100% насос билан суғориладиган	11	8,8	39240,4	3554959,4	90,6	3192629,0	81,4	-362330,4	-10,2

Жадвал муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

* Манба: Ургут тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли ширкат хўжаликлари маълумотлари.

Айнан шундай гуруҳларга бўлиб ўрганилганда хўжаликларга тамаки етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишда ички имкониятларни аниқлаш учун, яъни тамакининг биологик навларини оқилона жойлаштириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилашга шароит яратилади. Ушбу гуруҳларга кирувчи хўжаликларда тамаки хом ашёси етиштириш таннарни, насос харажатлари ва тамаки ҳосилдорлиги даражаси бир-биридан кескин фарқ қилади.

Самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида рентабелликнинг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини таҳлил қилишга диссертацияда алоҳида тўхталиб ўтилган. Бундай таҳлил тамакининг алоҳида навлари бўйича амалга оширилган бўлиб, унда харажатлар ва сотиш рентабеллиги кўриб чиқилган. 1 ц. тамакининг таннарни иккала навда мос равишда «Дюбек»да 41,3 минг сўмдан 44,7 минг сўмгача, «Измир»да 107,0 минг сўмдан 120,6 минг сўмгача ошиб борган. Лекин 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоларининг ўзгариши «Дюбек»да ўсиш тенденциясига эга бўлса, «Измир»да пасайиши кузатилган, яъни биринчи навда 31,6%га ўсган бўлса, иккинчи навда 16,8%га пасайган. Иқтисодий кўрсаткичларнинг объектив ва

субъектив омиллар таъсири остида бундай ўзгариши, ўз навбатида рентабеллик даражасига таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

«Дюбек» навида 2001 йилда рентабеллик даражаси - 11,7% бўлган бўлса, 2004 йилда 10,9%ни ташкил этган. «Измир»да ўртача сотиш баҳоси камайгани ҳисобига рентабеллик даражаси 32,6 %дан - 1,1 % зарарга тушиб қолган.

Хулоса

Тамакичилик хўжаликлари фаолиятлари самарадорлигини яқин ва узоқ истиқболда ошириш имкониятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш натижаларидан қўйидаги хулосаларга келинди ва таклифлар берилди:

1. Бозор шароитида мамлакат агросаноат мажмуасининг муҳим тармоғи бўлган тамаки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, харажатларни тежаш концепциясидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиқ беради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли туман омиллар ҳамда шароитлар таъсири остида шаклланади. Улар бир-бири билан мустақкам алоқада. Ушбу боғлиқликни тамаки ишлаб чиқариш шароитида ўрганиш натижасида якуний самарадорлик даражасини аниқлашга таъсир этувчи омиллар гуруҳини, уларнинг таъсир доирасида ҳаракати ҳолатини ифода-лайдиган кўрсаткичлар ёрдамида баён этадиган тизими тавсия қилинди.

2. Республикада қарийб 1 асрдан буён саноат асосида етиштирилиб келинаётган тамаки хом ашёсининг асосий қисми Ургут туманига тўғри келиб, унда қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва моддий-техника базаси ҳамда шаклланган тамаки деҳқончилиги тизими маданияти мавжуд. Шунингдек, туманда аҳоли жойлашиш зичлигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат сиғими юқори бўлган тамакичиликни ривожлантириш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, Шарқ типига кирувчи «Дюбек» ва «Измир» хушбўй тамаки навлари етиштирилади. Тамаки етиштирувчи хўжаликларда ернинг сифатини акс эттирувчи иқтисодий унумдорлигидан асосан самарали фойдаланилмоқда, лекин «Измир» нави бу нав хусусиятларига ва агротехникасига зид равишда юқори унумдор ерларда етиштирилиши кузатилди. Хўжаликлар гуруҳи бўйича тупроқнинг сифат кўрсаткичлари таҳлили хўжаликлар ихтиёридаги ер ресурслари ишлаб чиқаришни юргизиш даражасига қандай даражада мос келишлигини ўрганишга ёрдам берди. Ҳосилдорликни ўртача хўжалик юритиш даражасидан келиб чиққан ҳолда тупроқ баҳосига мос ҳолда аниқлаш натижасида ҳақиқий ҳосилдорликка нисбатан тупроқ унумдорлигидан фойдаланиш даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлди

3. «Дюбек» нави экиб, ёмон ерларда фаолият кўрсатаётган хўжаликлар, тамаки ҳосилдорлигидан ўртача туман даражасидаги ҳосилдорликдан ҳам, мавжуд тупроқ унумдорлигидан ҳам юқори даражага эришган. Унумдорлиги

59,7 баллгача бўлган хўжаликларда олиш мумкин бўлган ҳосилдан 0,8 ц/га ёки 6,3%, унумдорлиги 67,9 бўлган хўжаликларда эса 2,1 ц/га ёки 16,5% кўпроқ ҳосилдорликка эришилган. Тупроқ унумдорлиги 81,1 баллгача бўлган хўжаликларда, улар жойлашган ерлардан олиниши мумкин бўлган ҳосилдорликдан 5,4 ц/га ёки 35,8 %, ўртача туман даражасидан эса 2,6 ц/га ёки 21,1 % га кам ҳосилдорликка эришилган. Демак, бу хўжаликларда ҳосилдорликни ошириш имконияти мавжуд. «Измир» навини етиштиришда эса тупроқ унумдорлигидан фойдаланиш яхши йулга қўйилган.

4. Тармоқда тамакикорлар томонидан тамаки тайёрлаш пунктларига топширилган ҳосил учун тўловни ўз вақтида хўжаликлар томонидан амалга оширилмаган. Бу эса етиштирилган тамаки баргини оилалар томонидан нақд пулга ноқонуний фаолият юргизган харидорларга сотилишига олиб келган. Натижада амалда хўжаликлар экин майдонларида, улар ишлаб чиқариш фондлари воситасида етиштирилган тамаки хом ашёси расмий каналларни четлаб, ноқонуний равишда қўшни давлатларга олиб чиқиб кетилган. Ушбу каналлар орқали сотилган тамаки учун оилалар хўжаликлар томонидан тўланаётган қийматни олсаларда, хўжаликлар улуши яширин воситачилар қўлида тўпланган. Воситачилар ҳеч қандай сифат сиёсатини юргизмаганликлари учун бу каналлар орқали сотилган тамаки ўта паст сифатга эга бўлиб, бу ўзбек тамакиси имиджининг унинг асосий истеъмолчиси бўлган Россия бозорида тушиб кетишига ва бозорни бошқа рақобатчи ишлаб чиқарувчилар томонидан эгалланишига олиб келди. Бозордаги ноаниқликлар ва хўжаликлар томонидан қўлланилган маъмурий жазо чоралари тамакикорларда моддий манфаатдорлик туйғусини пасайтириши натижасида тамаки ҳосилдорлиги ва унинг сифати кескин тушиб кетди.

5. Тамаки хом ашёсини сотишнинг биз таклиф этаётган янги моделида ҳозирда амал қилаётган шартнома асосида тамаки етиштириш ва сотиш тизими сақланиб қолган ҳолда бунга қўшимча равишда янги, аукцион кўринишидаги сотиш шаклини жорий қилиш кўзда тутилган. Ушбу аукционда хўжаликлар таркибида фаолият юритаётган пудратчи оилалар билан бир қаторда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам иштирок этишлари мумкин бўлади. Ушбу моделни қўллаш натижасида тамаки барги бирламчи бозорида эркин рақобат муҳити вужудга келади. Бу тизим йирик фермер хўжаликларига ижара пудрати асосида тамаки етиштириш имконини беради. Тамакикорлар хоҳлаган вақтда етиштирган маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлади. Савдо уйларидаги эркин, қонуний савдо тамаки етиштиришни республиканинг бошқа ҳудудларида, айниқса «Измир» навини етиштириш учун қулай бўлган унумдорлиги паст, лалми ҳамда шартли суғориладиган ерларда етиштиришни кенг миқёсда тарқалиш имконини беради.

6. Республикада етиштирилиб келинаётган Шарқ типигаги иккала («Дюбек» ва «Измир») навда ҳам ҳосилдорликнинг ошиб бориши, таннархнинг пасайишига олиб келган. «Дюбек» ва «Измир»да мос равишда ҳосилдорлик 2,3 ва 1,3 марта ошганда бу кўрсаткич ҳам 29,5% ва 9,8% га пасаяди. Лекин, иккала навда ҳам асосан меҳнат ҳақини пасайтириш ҳисобига амалга

оширилган. Холбуки бу жараён тамаки етиштиришни интенсивлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Тамаки меҳнатни кўп талаб қиладиган экин бўлганлиги учун меҳнат унумдорлиги даражасини пастлиги ишларни механизациялаш даражасининг пастлиги билан характерланади.

7. Тамаки меҳнат сиғими юқори бўлган экин бўлиб, унинг тарихан жойлашиш ҳудудлари ҳам меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланганлигидадир. Меҳнат унумдорлиги даражаси «Измир» навида «Дюбек» навиға нисбатан ўртача 3-4 бараварга юқори, меҳнат сиғими эса 1,6-1,8 бараварга паст. Натура шаклидаги меҳнат унумдорлиги ҳам ўртача «Измир» навида «Дюбек»ка нисбатан 1,1-1,6 марта юқурироқ натижаға эришилган.

8. Етиштирилаётган тамаки учун сарф бўлаётган меҳнат сарфининг деярли 80–85 фоизи ва моддий харажатларнинг 60 фоиздан ортиғи тамаки етиштирувчи оилалар ҳисобига тўғри келганлигини, оила пудратининг кенг ривожланганлиги ва уларнинг пировард натижа билан боғлиқлигини ҳисобға олиб, бизнинг фикримизча, тамаки учун тўланадиган ҳақнинг 50 фоизи тамаки етиштирувчиларға ҳеч қандай чеғиримларсиз ўтказилиши лозим.

9. Тармоқда ҳўжаликлар томонидан етиштирилган тамаки барғи асосан 2- ва 3-товар навиға сотилган ёки «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» қўшма корхонаси тамаки ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўлими томонидан 2 ва 3-навға қабул қилинган. Фикримизча, бу ерда сифат кўрсаткичларининг бу даражада паст бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, булар дехқончилик маданиятининг бузилиши ва агротехника қоидаларига риоя қилмаслик ва тармоқда яққаҳоқим бўлган тайёрлов ташкилотининг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сифат сиёсатини ўтказишидир.

10. Ўтган асрда Шарқ типидаги тамаки етиштириш агротехникасига зид равишда суғориш ва минерал ўғитлар солишни интенсив равишда қўллаш туманда етиштирилиб келинган «Дюбек» навидаги тамакини сифат кўрсаткичини пасайтириб юборди ва натижада ички ва ташқи бозорда мазкур хом ашёға бўлган талаб кескин пасайиб кетди. Талабнинг пасайиши ва бозорда ортиқча хом ашёнинг тўпланиб қолиши «Дюбек» навидаги тамакиға паст баҳоларнинг ўрнатилишиға сабаб бўлди. Сўнгги йилларда тармоқда тамаки хом ашёси харид баҳолари амалда монополистик харидор бўлган Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон қўшма корхонаси томонидан ўрнатилиб келинмоқда. Агар «Дюбек» нави учун товар навлари бўйича баҳолар табақалашуви тарихий мутаносибликда давом этиб келаётган бўлса, «Измир» навида товар навлари харид баҳолари ўртасида кескин табақалашув мавжуддир. Бу корхонанинг маҳсулот сифат даражасини яхшилашға ва экспортбоп бўлган юқори товар навлар чиқиши салмоғини оширишға интилиши билан асосланади. Шу билан бирға ишда тамаки бозор баҳоларини оширишда ишлаб чиқарувчи ва уни дастлабки қайта ишловчилар учун ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштиришни ва тармоқда кўп сонли, бир-бири билан рақобат қилувчи субъектлар фаолияти ташкилий-иқтисодий шароитларини такомиллаштириш таклиф қилинган.

Эълон қилинган илмий ишлар руйхати:

1. Ахроров Ф. Муртазаев О. Рентабелликни ошириш мумкинми?//Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 1999.
2. Ахроров Ф. Муртазаев О., Жонибеков Ф.//Проблемы повышения рентабельности производства технических культур в хозяйствах Узбекистана. Мат. межд. науч. конф. МСХА – Москва. 2002. С 192-195.
3. Ахроров Ф., Хасанов Ш.//Резервы повышения эффективности продуктов орошаемого земледелия в Узбекистане. Мат. межд. науч. конф. МСХА–Москва. 2002. С 264-267.
4. Ахроров Ф. Ганиев И., Курбанов И.//Углубление реформ в аграрном секторе и резервы повышения их экономических эффективности в Республики Узбекистан. Мат. межд. науч. конф. МСХА–Москва. 2002. С 83-86.
5. Ахроров Ф.//Табачная отрасль США: история, опыт развития и возможности её применения в Узбекистане. Сб. ст. участ. FEP/USDA. Вашингтон. 2003. С 81-89.
6. Ахроров Ф. //Опыт развития табачной отрасли США и возможности её применения для повышения экономической эффективности табачного комплекса Узбекистана. Сибирская деревня: история, современное состояние, перспективы развития. Сб. науч. труд. Часть 3. ОмГАУ. 2004.
7. Ахроров Ф.//Дюбекдан Измирга. Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2005 . №7.

Тадқиқотчи_____

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ахроров Фарход Бахриддиновичнинг 08.00.04.–Микроиқтисодиёт (Агросаноат мажмуи) ихтисослиги бўйича «Тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятлари» мавзусидаги диссертациясининг

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Таянч сўзлар: тамакичилик мажмуаси, самарадорлик, манфаатдорлик, иқтисодий муносабатлар, тамаки хом ашёси бозори.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси тамакичилик хўжаликлари ва «ЎЗБАТ» қўшма корхонаси.

Ишнинг мақсади: тармоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошира бориб, интенсив технологияларни қўллаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, тамаки хом-ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш, моддий манфаатдорликни ошириш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида тармоқ иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва имкониятларини очиб беришдир.

Тадқиқот усули: Илмий ишда статистик маълумотларни қайта ишлашда иқтисодий гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил, монографик, иқтисодий-математик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тамаки хом ашёсини ишлаб чиқариш ва сотишда ислохотларнинг хусусиятлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий натижалари таҳлил қилинганлиги; тамаки ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар ва биологик навлар бўйича жойлашиш шароитлари ўрганилганлиги ҳамда қиёсий маълумотлар асосида самарадорлик даражаси ва кўрсаткичлари таҳлил қилинганлиги; тамаки ишлаб чиқаришда ердан унинг бонитет бали сифат кўрсаткичи бўйича фойдаланиш ҳолатининг ҳосилдорликка таъсири ўрганилганлиги; хўжаликлар томонидан етиштирилган тамаки баргини сотиш тизимини ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилганлиги; тамакичиликда меҳнатга ҳақ тўлаш ва ялпи даромадни хўжаликлар билан тамаки етиштирувчи оилалар ўртасида тақсимлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги.

Амалий аҳамияти: Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан амалиётда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва давлат дастурлари ишлаб чиқишда; тамакичилик мажмуи корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишда; тамакичилик хўжаликлари, тамаки хом ашёси етиштирувчилар ва тайёрловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий улушларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертация ишида ишлаб чиқилган айрим таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Маълумотнома №03/03-40, 24 январ 2005 йил) ишлаб томонидан чиқаришга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: тармоқлараро даражада.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Ахророва Фархода Бахриддиновича на тему: «Повышение эффективности производства и реализации табачного сырья» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04. – Микроэкономика (АПК)

Ключевые слова: Табачный комплекс, эффективность, заинтересованность, экономические взаимоотношения, рынок табачного сырья.

Объекты исследования: Табаководческие хозяйства Республики Узбекистан и совместное предприятие «УзБАТ».

Цель работы: Выявление основных путей и резервов повышения экономической эффективности отрасли на основе использования интенсивной технологии, улучшения качества продукции, роста объемов производства табачного сырья, повышения материальной заинтересованности и усовершенствования экономических взаимоотношений путем проведения экономических реформ в отрасли.

Метод исследования: В исследование на обработки статистических данных применены методы экономической группировки, экономического анализа, сопоставительного анализа, монографические, экономико-математические и другие методы.

Полученные результаты и их новизна: Особенности реформ и анализ их социально-экономических последствий в производстве и реализации табачного сырья; изученность условий размещения производства табака по регионам и биологическим сортам и анализированность уровня и показателей эффективности по сопоставительным данным; изученность влияния качества почв по бонитет- баллу на урожайность при производстве табака; разработанность рекомендации по усовершенствованию системы реализации произведенного хозяйствами табака-сырца путем использованием опыта развитых стран; разработанность рекомендации по усовершенствованию оплаты труда и распределению валового дохода между хозяйствами и семьями-подрядчиками.

Практическая значимость: Разработанные в диссертационной работе предложения и рекомендации могут быть использованы в: углубление реформ в сельском хозяйстве и выработке государственных программ; в разработке рекомендации по усовершенствованию экономических отношений между предприятиями табачного комплекса; в определении экономической доле табаководческих хозяйств, производителей и заготовителей табачного сырья.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Разработанные в диссертационной работе некоторые предложения и рекомендации приняты к внедрению в производство Самаркандским областным управлением сельским и водным хозяйством (Справка №03/03-40, 24 январь 2005 года).

Область применения: на межотраслевом уровне

R E S U M E

Thesis of Farhod Ahrorov on the academic degree competition of economic science, specialty 08.00.04.–Microeconomics (Agriculture Industry Complex) subject: “Increasing of the efficiency of tobacco production and selling”

Key words: Tobacco complex, efficiency, interest, economic relations, leaf tobacco market.

Subjects of the inquiry: tobacco-growing farms of Uzbekistan and JV “UzBAT”.

Aim of the inquiry: Revelation of ways and reserves of increasing of economic efficiency of tobacco branch by using intensive technology, product quality improving, expansion of yield, interest increasing and improving of economic relations.

Method of inquiry: In inquiry used the following methods: grouping of economic data, economic analysis, comparison analysis, monographic method, econometrics and others.

The results achieved and their novelty: Features of reforms and analyses their social-economic results in tobacco production and selling; the inquiry of conditions of tobacco production allocation by regions and brands and analyzed level and activities of efficiency with comparison data ; the inquiry of the soil quality impact on tobacco yield; readiness of recommendations on improving of tobacco leaf selling system with using of developed countries experiences; readiness of recommendations on improving of remuneration of labor and distribution of gross revenue between farms and tobacco growing families.

Practical value: Elaborated proposals and recommendations can be used on making state programs and in deepening reform in agriculture; in improving economic relations between enterprises of tobacco complex; on definition of economic share of tobacco farms, producers and procurers.

Degree of embed and economical effect: revealed recommendations and proposals accepted by regional department of agriculture and water recourses of Samarkand region (reference №03/03-40, 24th January 2005).